

ЎҚИТИШНИНГ ЭЛЕКТРОН АХБОРОТ ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРИ

Ғ. Жўраев,
Қашқадарё ВПКҚТМОИ

Халқ таълими тизимида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида кенг кўламда ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, умумтаълим муассасаларининг замонавий компьютер техникаси ва жиҳозлари билан таъминлаш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Шунингдек, бугунги кунда Халқ таълими вазирлиги хузурида Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази ташкил этилди. Марказ томонидан ахборот-коммуникация технологиялари асосида замонавий мультимедиа умумтаълим дастурларини, электрон таълим ресурсларини яратиш, такомиллаштириш ва уларни таълим жараёнига жорий этиш борасида ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Авваламбор, электрон ахборот таълим ресурси деганда нимани тушунишимиз мумкин, у қанақа ресурсларини ўзида мужассам этган деган саволларга жавоб беришимиз лозим.

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги 560-П-сонли Қонунининг 3-моддасида ахборот ресурс тушунчасига қуйидагича таъриф берилади: **ахборот ресурси** - ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базаси.

Демак, электрон ахборот таълим ресурслари деганда таълимга беришга асосланган электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки ёки маълумотлар базаларини тушунишимиз мумкин экан.

Ҳозирги вақтда яратилаётган электрон ахборот таълим ресурслари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Электрон дарслик;
- Ўқув фильми;
- Виртуал лаборатория;
- Мультимедиа-ресурс.

Электрон дарслик амалдаги ДТС, ўқув режа ва дастурлар ҳамда тасдиқланган (маъқулланган) дарсликка асосланган ҳолда дастурчи, дизайнер, услубчи ва дарслик муаллифидан иборат ижодий гуруҳ томонидан яратилади.

Анъанавий дарсликдан фарқли равишда электрон дарслик ўз таркибига нафақат матн, балки – расм, чизма, график, формула, мультимедиа, анимация, видеолавҳа, назорат саволлари ва топшириқлари, ўйин, тест, бошқотирма каби ресурсларни мужассам этади. Электрон дарслик маълум тузилмага эга бўлиб, унда керакли маълумотни излаш, тез очиш, такрорлаш каби функциялар мужассам бўлади.

Электрон дарсликлардан бевосита ўқув жараёнида ҳамда дарсдан ташқари мустақил таълим олиш учун фойдаланиш мумкин.

Ўқув фильми – бу ишлаб чиқариш жараёни, табиий ҳодиса, тарихий воқеалик, адабиётга оид сахналар кабиларни намойиш этадиган қисқа муддатли видеофильм.

Виртуал лаборатория (симуляция) – аниқ ва табиий фанлар бўйича табиатда мавжуд лекин амалиётда кўрсатиш имкони бўлмаган ёки хавф-хатар туғдирадиган намойиш ва лаборатория ишларини ўтказиш учун мўлжалланган.

Мультимедиа (ингл. *multi* – “кўп, кенг”, *media* “муҳит”) ресурслар овоз, графика, анимацияларни ўзига олган ҳаракатланиш мавжуд бўлган муайян мавзуга доир ресурслар.

Ушбу электрон ахборот таълим ресурсларини дарс машғулотларида фойдаланишда эса бизга компьютер техникаси ва бошқа техник воситалар (видеопроектор, кодоскоп, интерактив “электрон” доска, DVD-плеер, ТВ) керак бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, таълим жараёнида электрон ахборот таълим ресурсларидан унумли фойдаланиш натижасида ўқувчи ўқув материални тез ва қулай усулда, яъни

кўриш, эшитиш орқали чуқурроқ ва мукамалроқ ўзлаштириш имконияти вужудга келади.